ҚАТАҒОН ҚИЛИНГАН ЮРТДОШЛАРНИ ХОТИРЛАБ

Шамсутдинов Р.Т. Қатағон қилинган юртдошларни хотирлаб (Ҳужжатлар ва материаллар асосида).- Т.: Академнашр, 2017.

Ўзбекистон халқлари совет ҳокимияти йилларида босиб ўтган мураккаб ва зиддиятли тарихий йўлни бир хилда баҳолаб бўлмайди. Совет даврини ҳақиқатда қандай кечган бўлса шундайлигича, барча ижобий ва салбий жиҳатлари, юксалишларию таназзуллари, тарихий жараёнларнинг барча ўнқир-чўнқирларини назарда тутган ҳолда тадқиқ этиш лозим. Жумладан, 1920-1930 йилларда, 1937-1938 йиллардаги «Катта қирғин» кампаниясида ва ундан кейин амалга оширилган қатағон сиёсати тарихини ҳам. Дарҳақиқат, Ўзбекистонда «миллатчилик» ва «аксилинқилобчилик»ка қарши кураш кампанияси авж олиб, кўплаб маҳаллий раҳбар ходимлар, зиёлилар, адиблар, маорифчилар, руҳоният вакиллари совет тузумининг сиёсий қатағони азоб-уқубатларини чекишган.

Ўзбекистоннинг мустабид тузум даври тарихини ўрганишда, айниқса, XX асрнинг 20–30- йилларида совет ҳокимияти амалга оширган сиёсий қатағон даври тарихини ёритиш, тарихий адолатни тиклашда бирламчи манбалар, хусусан, архив маълумотлари муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан профессор Р.Т.Шамсутдиновнинг «Қатағон қилинган юртдошларни хотирлаб (Ҳужжатлар ва материаллар асосида) номли китоби ҳам Ўзбекистонда совет ҳокимияти томонидан амалга оширилган қатағон сиёсати тарихининг ҳали тўлиқ очиб берилмаган қирраларини ёритишга, унинг кемтик жиҳатларини тўлдиришга хизмат қилиши шубҳасиздир. Мазкур китобда совет тузумидан азоб-уқубат тортган, истиқлол учун кураш олиб борган ва қатағон қилинган бир қатор юртдошларимизнинг ҳаёти, фаолияти ва фожиали тақдири, андижонликларнинг қардош Озарбайжонда пахтачилик ривожига қўшган ҳиссалари ҳақида фикр юритилади. Муаллиф қайд этганидек, ушбу китоб талабалар, ўқитувчилар, илмий тадқиқотчилар, юртимиз тарихига қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган бўлиб, ўқувчида қатағон сиёсатининг келиб чиқиши, даҳшатлари хусусида кенг тасавур ҳосил қилади.

Китобнинг «Озарбайжон диёрида Чўлпон меросини излаб» номли биринчи қисми Андижон заминидан чиққан улуғ шоир, ёзувчи, драматург, таржимон, истиқлол куйчиси, совет ҳокимияти қатағон сиёсатининг қурбони бўлган Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпоннинг 22 ёшида Озарбайжон пойтахти Бокуда ўтказилган Шарқ халқлари биринчи съездида иштирок этиши масалаларига бағишланган. Чўлпоннинг анжуман котибияти аъзолигига сайланиши, унинг съезддаги фаолияти билан боғлиқ янги архив ҳужжатлари, ўша даврда Бокудаги матбуот материалларининг муаллиф томонидан илк бор илмий истеъмолга олиб кирилиши кенг китобхонлар ва илмий жамоатчилик учун янгиликдир. Шунингдек, ушбу қисмда съездга делегат бўлиб сайланган 30 нафар туркистонликларнинг номма-ном келтирилиши, уларнинг съездаги иштирокига оид маълумотлар Ўзбекистоннинг XX аср 20-йиллари тарихини ўрганишда муҳим маълумотлар сирасидандир. Айниқса, Шарқ халқлари биринчи съездида иштирок этган Туркистонлик вакиллар Мустафо Чўқаев, Аҳмад Заки Валидий Тўғонларнинг Каспий орти матбуоти орқали советларнинг Туркистондаги мустамлакачилик сиёсати ва амалиётини фош этишга уринишлари билан боғлиқ янги маълумотлар ҳам китобдан жой олганки, ўлка тарихи билан қизиқувчи ҳар бир китобхонни ўзига тортмай иложи йўқ. Муаллиф ушбу қисмда съезд делегати бўлган ҳар бир туркистонликнинг қисқача таржимаи ҳоли, кейинги қисматига ҳам тўхталиб, уларнинг тақдирига дахлдор ноёб архив маълумотларини келтириб ўтганки, уларнинг аксарияти илк бор илмий муомалага киритилаётгани билан ҳам характерлидир.

Китобнинг «Чўлпон ва «Дархон» газетаси» деб номланган иккинчи қисми 1923 йил майида СССР қуролли кучлар бош қўмондони, Ҳарбий-инқилобий кенгаш раиси С.С.Каменев, Фарғона қўшинлар гуруҳи штаби бошлиғи В.Д.Соколовский, Фарғона фронти қўмондони А.И.Тодорский, Туркистон АССР МИК раиси И.Ҳидиралиев ва бошқаларнинг бронопоезд билан Андижонга келиши, бу сафардан кўзланган мақсад, С.С.Каменев Андижондан Тошкентга қайтгач, Туркистон КП МК йиғилишида Андижондаги аҳвол хусусида қилган маърузаси, шаҳарда ўзбек тилида газета чиқариш, босмахона барпо этиш юзасидан берган фикр-мулоҳазаларидан келиб чиқиб ташкилланган «Дархон» газетаси фаолиятига бағишланган. Ушбу қисмда муаллиф 1923 йил 27 июндан чиқа бошлаган «Дархон» газетасининг 1, 2, 5, 7, 8, 9, 12,15, 17- сонларида эълон қилинган материаллар ва газета фаолиятида Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпоннинг ўрни ва роли масалаларини янги фактик материаллар асосида очиб берганки, бу маълумотлар биринчи бор эълон қилинаётгани билан ҳам қимматлидир.

«Биринчи ўзбек ҳуқуқшуноси» деб номланган қисм қатағон сиёсатининг яна бир қурбони, биринчи ўзбек ҳуқуқшуноси Тошпўлатбек Норбўтабековнинг съезддаги иштироки масаласига бағишланган. 1920 йил 4 сентябрда съезднинг учинчи мажлисида сўзга чиққан Т.Норбўтабеков Шарқ халқлари, жумладан, Туркистон халқлари меҳнаткаш оммасининг аҳволи ҳамда орзу- умидларини рўёбга чиқариш йўллари хусусидаги ўз қарашларини илгари сурган. Китобда ушбу маърузадан кўзланган мақсадлар равон, тушунарли қилиб баён этилган.

Асарнинг тўртинчи қисми «Ўзбек зиёлилари «Катта қирғин» гирдобида» деб номланган. Унда

1937-1938 йилларда собиқ Иттифоқда, жумладан, Ўзбекистонда «Катта қирғин» сиёсатининг амалга оширилиши билан боғлиқ, ўта махфий тамғаси остида сақланган, «Катта қирғин»ни амалиётга татбиқ этишга дастак, қонуний асос бўлиб хизмат қилган ВКП(б) МК Сиёсий бюроси қарорлари, Ўзбекистон ССР бўйича А.Икромов, С.Болтабоев ва Н.А.Загвоздин таркибидаги антисовет унсурларни текшириш бўйича учликнинг ташкилланиши билан боғлиқ маълумотлар келтирилганки, улар ўқувчига совет ҳокимиятининг 1937-1938 йиллардаги қатағон сиёсати моҳиятини чуқур англаш имконини беради. Шунингдек, ушбу қисмда муаллиф томонидан «Катта қирғин» сиёсати даврида қатағон қилинган Сўфизода, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Назир Сафаров, Абдулла Ҳасанов, Усмон Носир, Зиё Саидов каби ўзбек зиёлиларининг аянчли тақдирига доир кўплаб янги маълумотларни эълон қилиш баробарида қатағонга учраган андижонлик Расулжон Раҳимий, Исаққори Каримов, Султонов, Салоҳ Сайфий, Боқи Маҳмудий, Бурхон Машрабий ва Фахридинов каби саънат ва фан номоёндаларининг ҳаёти ва фаолиятига доир ноёб янги маълумотлар ҳам берилган.

«Катта қирғин» сиёсатининг қурбони, ўзбек маърифатпарвар шоири Ибратнинг ҳаёти ва ижоди, унинг ноҳақ қатағон қилинишига доир маълумотлар китобнинг «Маърифатпарвар Ибрат – қатағон қурбони» деб номланган бешинчи қисмида кенг ва атрофлича баён этилади. Ушбу қисмда 1937 йил 10 августдаги учлик йиғилишининг ҳукми билан ноҳақ қатағон қилинган Абосхонтўра Исоқхонтўраев, Убайдулла Махсум Отабой Аъламов, Жабборхон Султонхонов, Умарали Жумабоев, Акбарали Ниёзов, Деҳқонбой Сўфи Дўсматов, Мўътабархон Султонхоновлар тақдирига доир ўта махфий тамғаси остида сақлаб келинган вса тадқиқотчиларнинг қўли етмаган архив маълумотларининг эълон қилиниши китобнинг илмий аҳамиятини янада оширади.

«Саид Носирхонтўранинг тақдири ва қисмати» номли олтинчи қисмда эса 18 жилддан иборат Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати архивининг 25412-фонд ҳужжат ва материаллари асосида 1917 йил 26-28-ноябрдаги Ўлка мусулмонлари IV съездида Туркистон мухториятини ташкиллашда фаол иштирок этган маърифатпарвар Саид Носирхонтўранинг совет органлари томонидан таъқиб қилиниши ва охир-оқибат қатағон домига тортилиши жараёнлари, у кишининг иши юзасидан ноҳақ қатағон қилинган 92 нафар ватандошимиз тақдирига доир маълумотлар ўрин олган.

Китобнинг еттинчи қисми қатағон сиёсатининг яна бир қурбони – андижонлик Темурбек Казибековнинг аячли қисматига бағишланган. Маълумки, 1920-йилларда жадид маърифатпарварлари томонидан бир гуруҳ туркистонлик талабалар хорижга, хусусан, Германия, Туркия каби давлатларга ўқишга юборилган эди. Уларнинг кўпчилиги ватанга қайтгач, совет ҳокимятининг жазоловчи органлари таъқибига дучор бўлиб, охир-оқибат қатағон домига тортилган эди. Асарда айнан ана шундай сиёсатнинг қурбони бўлган, Германияда ўқиб юртга қайтган андижонлик Темурбек Казибековнинг ҳаёти ва фаолияти ёритилган.

Шунингдек, совет ҳокимиятининг қатағон сиёсати ва унинг қурбони бўлган Жўрабек Тўрабеков, Давронбек Аҳмадбеков, шоир Восит Саъдулла ва у билан бирга қатағон қилинган юртдошларимизнинг аянчли қисматига доир янги маълумотлар ҳам китобдан жой олганки, бу маълумотлар китобхонда қатағон даҳшатларини янада теранроқ ҳис қилиш, бугунги тинч осуда ҳаётнинг қадрига етиш ҳиссини уйғотиши шубҳасиздир.

С.А.Ҳошимов,
тарих фанлари номзоди, доцент
Р.Р.Шамситдинов,
тарих фанлари номзоди